

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ ОНГИ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ  
ЮКСАЛТИРИШДА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ  
БҮЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ  
3-КУРС 308-ГУРУҲ КУРСАНТИ  
МАЖИДОВ АКОБИР АБДУҚАҲХОРОВИЧ**  
*akobirmajidov02@gmail.com*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада хуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг хуқуқиий онги ва хуқуқиий маданиятини юксалтиришда давлат органлари билан ҳамкорлиги бўйича илғор хориж тажрибаси, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бундан ташкари, профилактика инспекторининг фуқароларнинг хуқуқиий онги ва хуқуқиий маданиятини юксалтиришда профилактика инспекторлари фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар ҳамда хориж тажрибалари ўрганиб чиқилиб, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида таҳлили ва бир қатор таклиф ва мулоҳазалар бериб ўтилган. Юқорида келтириб ўтилган жиҳатлардан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** Хуқуқиий онг, хуқуқиий маданият, ҳамкорлик, хориж тажрибаси, тарғибот, давлат органлари, жамоатчилик.

### ANNONATION

In this article, advanced foreign experience on cooperation with state bodies in raising the legal consciousness and legal culture of citizens in crime prevention, suggestions and recommendations for improving this activity have been developed.

In addition, existing problems and shortcomings in the activity of preventive inspectors in raising the legal consciousness and legal culture of the prevention inspectors, as well as a number of proposals and foreign experiences to eliminate these problems and shortcomings, were studied, analyzed on the basis of the legislation of the Republic of Uzbekistan, and a number of suggestions and comments were given. passed. Using the aspects mentioned above, directions for improvement of this activity are highlighted.

**KEY WORDS:** Legal consciousness, legal culture, cooperation, foreign experience, propaganda, state bodies, public.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье развит передовой зарубежный опыт взаимодействия с государственными органами по повышению правового сознания и правовой культуры граждан в сфере профилактики преступлений, предложения и рекомендации по совершенствованию этой деятельности.

Кроме того, были изучены, проанализированы существующие проблемы и недостатки в деятельности инспекторов-превентивистов по повышению правового сознания и правовой культуры инспекторов-профилакторов, а также ряд предложений и зарубежного опыта по устранению этих проблем и недостатков законодательства Республики Узбекистан, а также был дан ряд предложений и замечаний. Используя упомянутые выше аспекты, выделены направления совершенствования данной деятельности.

**КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:** Правосознание, правовая культура, сотрудничество, зарубежный опыт, пропаганда, государственные органы, общественность.

Турли давлатларда маъмурий ҳудудларда фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, қонуний манфатларини ишончли ҳимоя қилиш фаолияти турли йўллар, усуллар билан таъминланади. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос илғор тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда юртимиз , фуқароларининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш тизимига татбиқ этиш бугуннинг долзарб талабларидан биридир. Шундай экан хозирда ривожланаётган мамлакатлар қаторидан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси хам хозирги тараққий этаётган мамлакатлар орасида ўз ҳудудида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда олиб бораётган ишлари бошқа мамлакатлар қатори пухта ташкиллаштирилган. Бизнинг мамлакатимизнинг таржибаларидан хам бошқа тараққий этган хориж мамлакатлари хам ўрганиб амалиётга тадбиқ этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, профилактика инспекторларининг фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда бугунги кунда мамлакатимиздаги илғор тажриба ва унинг амалий механизмлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-мартдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ 2833-сонли қарори хамда 2019 йил 9-январдаги “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5618-сонли фармони ,“Давлат ҳуқуқий

сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сонли Фармонида ҳам ўз аксини топган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мазкур мақолада, профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онг ҳамкорлигини янада такомиллаштириш ҳамда бу борада хорижда жорий этилган илфор тажрибани ўрганиш мақсадида Россия Федерацияси, Туркия, Германия, Сингапур, Малайзия ва АҚШ давлатларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятларни олдини олиш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўрганиб чиқдик. Унга кўра, мазкур мамлакатларда «Жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қонун ва «Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида»ги қонун алоҳида-алоҳида қабул қилинган. «Жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш тўғрисида» ги қонун кам сонли хорижий давлатларда қабул қилинган бўлсада, лекин жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштирокини белгиловчи қонунлар юқорида санаб ўтилган мамлакатларда қабул қилиниб, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг бир-бири билан, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорлиги ҳуқуқий кафолатланган.

Турли давлатларда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти турли йўллар, усуслар билан таъминланган. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос илфор тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш ҳамда республикамиз жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига татбиқ этиш масалалари асосий вазифалардан биридир.

Жумладан, Россия Федерациясида Адлия вазирлиги Россия Федерацияси Президентининг 2004 йил 13-октябрдаги 1313-сонли Фармонига биноан (2017 йил 23 апрелдаги таҳририда) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Россия Федерацияси Адлия вазирлиги давлат ҳуқуқий сиёсатини ва уни меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланади. Адлия вазирлигига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш асосий вазифа этиб белгиланиб Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича бир қанча идоравий тузилмалар мавжуд бўлиб булар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестри бўлими ва Юридик ёрдам ва суд тизими билан ҳамкорлик бўлимлари хисобланиб мунтазам қабул

қилинган нормативхуқуқий хужжатларни ахолига етказиш ва уларга юридик ёрдам беришни амалга оширади.

Россия Федерациясининг "Полиция тўғрисида"ги қонунинг 12 моддасига кўра полиция органлари ўз вазифаларини бажариш давомида бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилишлари мумкинлиги қайд этиб ўтилган.

Ўзбекистондаги Маҳалла ҳукуқ-тартибот масканларига ўхшаш тузилмалар Россияда «тартибни сақлаш таянч пунктлари» деб номланиб, уларнинг мақсади жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг фаоллигини ошириш ҳамда давлат органлари билан ҳамкорлигини яхшилашдан иборат . Тартибни сақлаш таянч пунктлари жамоатчилик органи ҳисобланаб, унга кирувчи жамоатчилик тузилмаларининг келишилган ҳолда фаолият кўрсатиши Кенгашлар томонидан таъминланади. РФда ИИО тизими милициядан полицияга ўтганидан кейин мамлакатда тартибни сақлаш таянч пунктлари «полиция участка пунктлари» сифатида номлана бошлади. Бирок, айрим рус олимлари, жумладан В.А. Джемелинский ҳозирги кунда полиция участка пунктлари номланишини «ҳукуқ-тартиботни сақлаш участка пунктлари»га қайта ўзгартириш таклифини илгари суриб келмоқда.

Полиция участка инспектори – полиция участка пунктларининг асосий субъектларидан бири бўлиб, уларнинг фаолияти Федерация ИИВнинг «Полиция участка инспекторларининг фаолияти тўғрисида»ги (31.12.2012й.) буйруғи асосида ташкил этилади. Рус олимлари А.В. Черепанова ва А.Д. Магденколар таъкидлаганидек, участка пунктлари полиция участка инспекторларининг нормал фаолият юритишлари учун муҳим бўлган хизмат биноси ҳисобланади. Участка инспекторининг фаолияти аҳоли турар жойларида фуқароларни турли жиной тажовузлардан ҳимоя қилишнинг кафолати ҳисобланади. Норматив-хукуқий хужжатларда полиция участка инспекторларининг асосий хизмат вақти маъмурий худудда ўтиши белгиланган бўлиб, улар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлиқда ишлаш зарурати туғилганида полиция участка пунктларида фаолият кўрсатадилар. Ўтказилган социологик сўров натижаларидан маълум бўлишича, мамлакат аҳолисининг 70 % худудий яқинлиги ва тезкор ҳаракат қилиш имкониятини инобатга олиб, полиция участка инспекторларига мурожаат этишни маъқул кўрадилар. Шу жиҳатдан хам олиб қараганда фуқаролар билан ишлашда ва уларнинг мурожаатларидан келиб ички ишлар органлари ходимлари хукуқий маданиятнинг бўшлиқларни аниқлаган ҳолда келгуси фаолиятларини ушбу бўшлиқларни бартараф этиш учун ҳаракат қиласидилар.

"Полиция тўғрисида"ги РФ қонунининг 10-моддасига кўра полиция ўз хизматини бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиқда амалга оширади. Албатта, бу ҳамкорлик хам ўз навбатида давлат ва жамият тинчлиги ва осойишталиги учун хизмат қиласидилар.

Бу борада жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида Туркия тажрибасини ўрганадиган бўлсак, профилактика хизмати ходимлари фаолияти бўйича Жамоат хавфсизлигини таъминлаш Бош бошқармаси (*Topium Destekli Polis*) марказий бошқарув аппарати ҳисобланади. Бош бошқармага юклатилган вазифалар билан хам айнан вилоят ва туманлар ҳамда улардаги муҳтор худудларда ташкил этилган жамоат билан ишловчи профилактика хизмати ходимлари шуғулланади. Ушбу ходимларга Туркияning “Полиция тўғрисида”ги қонунига кўра, жамоага ўрнак, касбга ҳурмат, фидокор ва ишончли, сабрли бўлиш, сир сақлай олиш, жабрланувчи шахснинг ўрнига ўзини қўя олиш, ўқимишли, давлат органлари ва ходимларининг вазифаларини билиши ва баҳолай олиши, инсоннинг ёшидан келиб чиқиб у билан мулоқот қилиш, курол билан ишлай олиши: отган ўқи нишонга тегиши, маъракаларда қатнашиш, керакли пайтда тезкор қабул қилиш ва уни руёбга чиқариш ва каби мажбурият ва вазифалар юклатилган бўлиб улар ҳамкорликда иш фаолиятини ташкил этишади.

Европа мамлакатлари орасида маъмурий худудларда фуқароларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини соҳасида яна бир ўзига хос тизим Германияда қарор топган. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ўз ичига Федерал ИИВ ва ўлкалар ИИВларини қамраб олади. Ўлкалар ИИВлари Федерал ИИВнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Федерал ИИВ эса субъектлар ваколатига кирадиган вазифаларга аралаша олмайди. Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини асосан Ўлкаларнинг полициялари бошқа ўлкаларнинг полициялари билан ҳамкорликда амалга оширади.

Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, Ўлкалар ҳуқуқ-тартибот хизматлари маҳсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади. Ўлкалар полициялари тартибни сақлаш, криминал, сувларда тартибни сақлаш, сафарбарлик, Конституцияни қўриқлаш каби полиция идораларидан ташкил топган бўлиб, улар ичida жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланувчи хизмат Тартибни сақлаш полициясидир. Мамлакатнинг ҳар бир Ўлкаси ўз қонунчилиги ва идоравий ҳужжатларига амал қилса-да, тартибни сақлаш полициясининг фаолияти ҳамма Ўлкаларда бир хил: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларда саволлар туғилгандага уларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериш ва криминал полиция етиб келгунига қадар кечиктириб бўлмас тезкор-қидируг чора-тадбирларини амалга ошириш; йиғилиш, митинг ва намойишлар вақтида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш; жамоат жойларида тартибни

сақлаш, алоҳида аҳамиятга эга иншоотлар ва ҳукумат биноларини қўриқлаш; кўча ҳаракатини тартибга солиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этилишини назорат қилиш; ушланганларни конвой қилиш ва суд муҳокамалари вақтида қўриқлаб туриш; ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология ва бозорларда савдо қилиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш; паспорт тизимини назорат қилиш; умум қабул қилинган ўлчов ва оғирлик бирликларига риоя этилишини назорат қилиш; ўйин уйлари, лотерея ва тотализаторларда қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш; ўрмонни қўриқлаш; меҳмонхона, ресторон, бар ва казиноларда қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш; маҳаллий фуқаро мудофаасини амалга ошириш; қаровсиз қолган вояга етмаганлар ва ўсмирларни назорат қилиш кабилардан иборат.

Бу борадаги илғор тажрибалар Сингапур давлатининг миллий қонунчилигига ҳам шакилланган бўлиб, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларда хукуқий маданиятни шакллантиришда маҳсус ваколатли давлат органлари (ички ишлар органлари) нинг барча соҳавий хизматлари ва давлат органлари жумладан, Адлия органлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида тегишли чора тадбирларни олиб бориши уларнинг мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонун хужжатларида хукуқий кафолатлаб қўйилган. Сингапур давлатининг 2012 йил 31 майда қабул қилинган «Жамоат тартиби тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳияти ҳамда унинг тегишли нормаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сингапур давлатининг «Жамоат тартиби тўғрисида» ги қонунининг 2 моддасида жамоат тартибини сақлашда «ташкил этиш» ва жамоат тартибини сақлашда «қатнашиш» тушунчаларининг маъноси очиб берилган. Сабаби мазкур қонуннинг обеъктини жамоат тартиби тўғрисидаги ижтимоий муносабатлар ташкил этишини инобатга олган ҳолда жамоат тартибини сақлашда унинг ташкил этилиши ва фуқароларнинг иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга. Бу эса жамоат тартибини сақлашни бевосита амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш имкониятини беради.

Фуқароларнинг хукуқий онги ва хукуқий маданиятин юксалтиришда Малайзия давлатининг 1958 йилда қабул қилинган «Жамоат тартиби тўғрисида»ги қонунида ҳам давлат органлари хусусан, ваколатли ички ишлар органлари хизматларининг ўзаро ҳамкорликлари хукуқий кафолатланган. Жумладан қонуннинг 14-моддасида фуқароларнинг хукуқлари бузилса ёки бирон-бир хукуқий холат бўйича мурожаат қилишлари белгиланиб, шу ҳамда жамоат тартиби билан боғлиқ бошқа муносабатлар ўз аксини топган.

Яна бир дунёда тараққий этган мамлакатлар орасида етакчилик қилаётган мамлакат Америк Кўшма Штатларининг таржибасини ўрганадиган бўлсак АҚШда маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш

фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари химоя қилиш вазифаси асосан шерифлар зиммасига юклатилган. Шериф (ингл. «Sheriff») АҚШда ўз округида полициянинг муайян маъмурий функцияларни бажарувчи мансабдор шахси бўлиб, дастлабки даврларда улар хизматидан графликларда қирол манфаатлари йўлида фойдаланилган. Ҳозирда эса шерифлар полициянинг маъмурий худудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш ва жазоларни ижро этиш бўйича кенг ваколатларга эга ходими. Шериф хизмат худудида жамоат тартибининг ҳолатига тўлиқ жавобгар шахс бўлиб, ўз фаолиятида бирмунча мустақил, кенг хукуқ ва ваколатларга эга. Унинг фаолияти маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирилади. Шерифлик хизматининг мамлакат ҲМҚОлари тизимидағи ўрни шунчалик каттаки, уларнинг қонунийликни таъминлаши – айrim штатларда Конституцияни таъминлашга тенглаштирилган, айримларининг Конституцияларида шерифларнинг хукуқий мақоми аниқ белгилаб берилган. Умуман олганда, шериф кўплаб округларда «тинчликни сақловчи», айни вақтда, округдаги асосий расмий шахс ҳисобланади. Шерифга оммавий тартибсизликларни бартараф этишда ва ҳибсга олишда округдаги барча эркак фуқароларнинг кўмагидан фойдаланиш, жиноятларни суриштириш, патруллик қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш билан бир қаторда, муниципал турмаларнинг аҳволи учун жавобгарлик ҳам юклатилгани унинг ваколатлари доираси қанчалик кенглигини яққол кўрсатади. АҚШ полициясида шерифлар турли штатларда турлича тартибда 4–6 йил муддатга тайинланадилар. Жумладан, Род Айленд, Гавайи маъмурий худудларида улар шахсан губернатор томонидан тайинланади. Калифорнияда бу лавозимга хукуқни муҳофаза қилиш тизимида тўрт йиллик иш стажига эга бўлган ходимлар тайинланса, Айдаҳо, Миссисипи, Оклахома, Канзас штатларида шерифликка номзод бўлган шахслар маҳсус ўқув курсини ўташи шартлиги белгиланган. Давлатнинг айrim маъмурий худудлари, хусусан Айова-Ситида шерифга хизмат фаолиятини олиб боришда ўз ёрдамчилари ва бошқа масъул ходимларни бевосита лавозимга тайинлаш ва озод қилиш ваколати берилган. Америка Қўшма Штатлари Адлия вазирлиги - бу АҚШ федерал хукуматининг қонунларни ижро этиш ва ва мамлакатда қонунларга итоаткорликни қарор топтиришни таъминлайди ва АҚШ Бош прокурори томонидан бошқарилади. Адлия органлари мамлакат хукуматининг федерал ижро этувчи бўлими бўлиб, Қўшма штатлардаги қонунларнинг ижро этилиши ва одил судловни амалга ошириш учун масъул органдир. Қўшма Штатлар Адлия вазирлиги таркибидаги Адлия ёрдами бюроси, Хукуқий маслаҳат тизими (OLC), Маҳсус маслаҳат хизматлари ва Миллий адлия институти томонидан мамлакат ахолисига мунтазам хукуқий маслаҳатлар бериб

бориш ва ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш ишлари олиб борилади.

### **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки профилактика инспекторининг фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда профилактика инспекторлари фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳамда ушбу муаммо ва камчиликларни бартараф этиш буйича бир қатор таклифлар ҳамда ҳориж тажрибалари янада кўпроқ ўрганиб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари профилактика инспекторлари ҳудудда мактаб, коллеж ва лицейларда фуқароларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда тарғибот-ташвиқот ишларини доимий равишда олиб боришлари хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир етилиш хавфини сезиларли даражада камайтиради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. "Хуқуқбузарлилар профилактикаси тўғрисида" ги Қонун. 2014-йил 14-май.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари
6. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (норматив хужжатлар базаси)
7. [www.google.com](http://www.google.com) (butun jahon qidiruv tizimi)
8. [www.edu.uz](http://www.edu.uz) (milliy ta’lim internet portal)